

aefe

Agence pour
l'enseignement français
à l'étranger



Liberté • Égalité • Fraternité

RÉPUBLIQUE FRANÇAISE

ФРАНЦИЯ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ

ТОШКЕНТ 15 МАЙ 2018

РЕЖА

- 1) Франция таълим тизимининг асосий тамойиллари
- 2) Таълимни ташкиллаштириш
- 3) Мактабгача таълим, Франциянинг ўзига хос йўналиши
- 4) Таълим тизими актёрлари
- 5) Таълимот кўрсаткичлари
- 6) Педагогик тамойиллар

aefe

Agence pour
l'enseignement français
à l'étranger

ФРАНЦУЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

1) ФРАНЦУЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

Таълим эркинлиги

Тенгҳуқуқли фойдаланиш

Бепул таълим

Бетарафлик

Дунёвийлик

Мажбурий таълим

ТАЪЛИМ ЭРКИНЛИГИ

Таълимни ташкил қилиш ва таълим бериш эркинлиги – сўз эркинлигининг ифодасидир

Таълим эркинлиги (ўқитиш танлови, ота-оналарнинг таълим танлови)

Фақатгина Давлат мактаб дипломлари ва олий ўқув юрт даражаларини бериш ҳуқуқига эга

ТЕНГҲУҚУҚЛИ ФОЙДАЛАНИШ

- Болаларнинг таълимга тенгҳуқуқли кириши
- Тенгҳуқуқли муомала тамойили
- Ногирон болаларга нисбатан камситилмаслик

БЕПУЛ ТАЪЛИМ

Бошланғич мактаблар ва давлат ўрта мактабларида бериладиган (бошланғич ва ўрта) таълим bepулдир.

aefe

Agence pour
l'enseignement français
à l'étranger

БЕТАРАФЛИК

Халқ таълими бетарафдир

- Мактаб
- Ходимлар
- Таълим

ДУНЁВИЙЛИК

Диний масалаларда дунёвийлик тамойили француз таълим тизимининг асосини ташкил этади, чунки бу Франция Республикаси тамойиллари негизида туради.

- Дунёвий республика дин ва давлатнинг ажратилишини ташкил қилади
- Виждон эркинлиги: ҳар бир инсон ишониши ёки ишонмаслиги мумкин
- Дунёвийлик ҳар бир кишининг ўз танловига тўсқинлик қиладиган ҳар қандай прозелетизм ва босимдан ҳимоялайди
- Ўқувчилар томонидан диний мансубликни намоён этадиган белги ёки либосларни кийиш тақиқланади
- Дунёвийлик зўравонлик ва камситишнинг барча шакллари рад этади, қизлар ва ўғил болалар ўртасидаги тенгликни кафолатлайди
- Барча ходимлар ўқувчиларга дунёвийликнинг мазмуни ва аҳамиятини етказишлари лозим. Шу тариқа ўқитувчилар ўз функцияларини бажаришда дунёвийдирлар.



aefe

Agence pour
l'enseignement français
à l'étranger

ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ

2) ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ

- ❖ Болалар 3 ёшда (бўш ўринлар мавжудлигида 2 ёшда) мактабгача таълим муассасаларига қабул қилинадилар
- ❖ 6 ёшдан 15 ёшгача мактаб таълими мажбурийдир (Бошланғич мактабнинг Тайёргарлик курслари/1-синфидан Коллежнинг 3-йили/9-синфгача)
- ❖ Мактаб таълими Битирувчи (12-синф)да Бакалавр имтиҳонидан ўтиш билан тугайди

Système Français		Système américain
Ancien système	Nouveau système	
Crèche/Maternelle		Day care/Pre-school
<ul style="list-style-type: none"> • 0-3 ans crèche • 3-4 ans petite section de maternelle (PS) • 4-5 ans moyenne section de maternelle (MS) • 5-6 ans grande section de maternelle (GS) 		<ul style="list-style-type: none"> • 2-3 ans nursery school/day care • 3-4 ans preschool • 4-5 ans pre-kindergarten • 5-6 ans kindergarten
Ecole Primaire		Elementary School
<ul style="list-style-type: none"> • 6-7 ans = onzième ou CP • 7-8ans = dixième ou CE1 • 8-9 ans = neuvième ou CE2 • 9-10 ans = huitième (CM1) • 10-11 ans = septième ou CM2 		<ul style="list-style-type: none"> • 6-7 ans = 1st grade • 7-8 ans = 2nd grade • 8-9 ans = 3rd grade • 9-10 ans = 4th grade • 10-11 ans = 5th grade
Collège		Junior High School /Middle school
<ul style="list-style-type: none"> • 11-12 ans = sixième • 12-13 ans = cinquième • 13-14 ans = quatrième • 14-15 ans = troisième 		<ul style="list-style-type: none"> • 11-12 ans = 6th grade • 12-13 ans = 7th grade • 13-14 ans = 8th grade • 14-15 ans = 9th grade
Lycée		Senior High School (selon l'école, certaines Senior high school commencent au 9th grade)
<ul style="list-style-type: none"> • 15-16 ans = seconde • 16-17 ans = première • 17-18 ans = terminale 		<ul style="list-style-type: none"> • 15-16 ans = 10th grade • 16-17ans = 11th grade • 17-18 ans = 12th grade
Université (Ancien système)	Université (Nouveau système issu de l'harmonisation européenne LMD=Licence ; Master ; Doctorat)	College/University
<ul style="list-style-type: none"> • 18-20 ans = Deug (2 ans) • 20-21 ans = Licence (1 an) • 21-22 ans = Maîtrise (1 an) • 22-23 ans = DESS/DEA (1 an) • 23-27 ans = Doctorat (3-5 ans) 	<ul style="list-style-type: none"> • 18-21 ans = Licence (3 ans) • 21-22 ans = Master I (1 an) • 22-23 ans = Master II (1 an) • 23-27 ans = Doctorat (3-5 ans) 	<ul style="list-style-type: none"> • 18-20 ans = Associates of Arts (A.A.) • 20-22 ans = Bachelor of arts/Science (B.A., B.S.) • 22-24 ans = Master's (MBA, MA, MS) • 24-27 ans = PhD.

ВАКОЛАТ/ВАЗИФАЛАР ТАҚСИМОТИ

Ваколат / вазифалар	Мактаб	Коллеж	Лицей
Сармоя, ускуналар ва хизмат	Коммуна/шаҳар	Маъмурий ҳудуд	Вилоят
Таълим харажатлари	Commune	Давлат	Давлат
Ўқитувчи ходимлар (ишга олиш, ўқитиш, тайинлаш, иш ҳақи)	Давлат	Давлат	Давлат
Таълим дастурлари	Давлат	Давлат	Давлат
Дипломларни тасдиқлаш	-	Давлат	Давлат

БОШЛАНҒИЧ МАКТАБ

- ❖ 1990 йилдан бошлаб, ўқувчиларнинг мактаб таълимоти босқич (цикл) ларга бўлиниб ташкил этилган
 - 1-босқич : кичик бўлим (секция), ўрта бўлим ва катта бўлим (3/5 ёш)
 - 2-босқич : CP, CE1, CE2 (6/8 ёш)
 - 3-босқич : CM1, CM2, 6^{ème} (9/11 ёш)

- ❖ 2008 йилдан бошлаб, ҳар бир ўқувчи ҳафтасига 24 соатлик таълим олади



aefe

Agence pour
l'enseignement français
à l'étranger

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ, ФРАНЦИЯНИНГ ЎЗИГА ХОС ЙЎНАЛИШИ

3) МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ (оналик мактаби)

« Мактабда ўқитиш учун, аввало мактабни ўрганиш лозим... Бу эса вақтни, эмоционал жиҳатдан ишончли контекстни ва дастурларни ишлаб чиқишни тарғиб қилувчи дастурларни, барча болалар учун ягона умумий маданиятни яратиш учун умумий мезонларни талаб этади.... ».

(Элизабет БОТЬЕ, Таълим фанлари бўйиса тадқиқотчи, Париж 8 университети ўқитувчиси)

ОНАЛИК МАКТАБИ (МТМ) БУ НИМА?

Оналик мактаби 3 ёшга тўлган барча болаларни қабул қилади.

Бу мактаб 6 ёшдан бошланадиган мажбурий мактаб юқорисида туради.

Мактаб уч бўлимдан иборат:

- Қичик бўлим (3 ёш)
- Ўрта бўлим (4 ёш)
- Катта бўлим (5 ёш)

НЕЧА ЁШДА?

Агарда француз ва чет эллик болалар 3 ёшда ушбу мактабнинг кичик бўлимига қабул қилинсалар, муайян (бўш ўринлар мавжудлиги, тоғли шаҳар, қишлоқ ҳудудлари, ноқулай ижтимоий муҳитлар) шароитларда ўқув йили бошида 2 ёшга тўлган болалар ҳам қабул қилинишлари мумкин. Улар ушбу мактабда тақвимий йилда 6 ёшга тўлиб, бошланғич мактабга қабул қилингунларига қадар қоладилар.

ОНАЛИК МАКТАБИДА ТАЪЛИМ

Биринчи даражадаги ўқитувчиларнинг бошланғич таълими бошланғич мактабнинг барча даражаларида (кичик бўлимдан то СМ2гача) таълим бериш имкониятини беради. Уларнинг таълимоти (барча соҳаларда) кўптомонламандир.

Таълим Давлат томонидан белгилаб берилган дастурлар (сўнгилари 2015 йилда) асосида берилади. Ўқувчилар икки воситадан фойдаланиб баҳоланадилар:

- Ўқувчи билан ҳамоҳанг боровчи ва бир томондан оилалар билан бўладиган мулоқотни ва иккинчи томондан ўқувчиларнинг олган билимларини англашни осонлаштиришга қаратилган билимлар кузатуви кундалик дафтари. Ушбу кундалик дафтар билимнинг рўёбга чиқиш имкониятини бериш учун етарлича узоқ вақт давомидаги мунтазам кузатувлар тўпламига таянади.

- Асосий қисм охирида якуний давр талабларини ўрганиш маҳоратини кўрсатиш имконини берадиган қобилиятлар тўплами кўринишидаги ўқувчининг эришилган ютуқлар синтези.

Ўқитувчига болалар билан бўлган ҳар кунлик ишида (камида иш кунининг катта қисмида) асистент-ёрдамчи: устахоналарни тайёрлаш, болалар ҳожатини чиқариш, материалларни тартиблаш, ўқитувчининг ваколати асосида болаларнинг кичик гуруҳларини назорат қилиш, ...да ёрдам беради.

БИР ҚАТОР САБАБЛАР ОНАЛИК МАКТА- БИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИНИ КЎРСАТАДИ

- ❖ МТМ 3 соҳа: бола, оила ва мактаб ўртасидаги учрашувни (оила ва мактабнинг ижтимоийлашувини) ташкиллаштиради. Мактаб “ажратувчи учинчи томон” ҳисобланади.
- ❖ Мактабда биргаликда яшашдан кўра биргаликда ўрганиш муҳим касб этади.
- ❖ Бу эса таълим-тарбиядаги янги муҳит томонидан кучайтириладиган муҳим руҳий ўзгариш ҳисобланади.
- ❖ Ёш ўқувчилар аста-секинлик билан мактабгача бўлган таъсирчанлик, суҳбатдошини таниши туфайли тил бириктириш асосида шаклланган муносабатларни янги мақсад, яъни билим мазмуни томонидан келтириб чиқарилан янгиликларни қабул қилиш учун четга суриши керак бўлади. Оналик мактаби биринчи навбатдаги ва таълим бериш вазифаси борлиги сабабли болани турган жийи ва ҳолатидан бошқа ёқларга олиб кетадиган муассасадир.

ЁШ БОЛА ТАРИХИДАГИ КУЧЛИ ВАЗИЯТ

Франция таълим тизимининг ўзига хослиги, оналик мактаби болаларни 6 ёшдан бошланадиган мажбурий мактаб давридан олдин қабул қилади.

Ихтиёрий бўлишига қарамасдан, ушбу мактаб 3 ёшдаги ўнта боланинг тўққизтасини қабул қилади.

Ушбу мактабда ўқиш/тарбияланиш келажакдаги таълим ютуқларига муҳим таъсир ўтказади.

МТМ ДАСТУРЛАРИ

Турли соҳалар :

- Тилни барча ўлчовларга мослаштириш
- Жисмоний фаолият орқали ҳаракат қилиш, ифодалаш ва тушуниш
- Бадий фаолият орқали ҳаракат қилиш, ифодалаш ва тушуниш
- Фикрни тузиш учун дастлабки воситаларни яратиш
- Дунёни ўрганиш

ТИЛНИ БАРЧА ЎЛЧОВЛАРГА МОСЛАШТИРИШ

Энг муҳим соҳа. ТИЛ сўзи индивид томонидан гапириш, эшитиш, ўйлаш, тушуниш ва кейинчалик ўқиш ва ёзиш жараёнида амалга оширадиган бир қатор тадбирларни ифодалайди.

Ушбу мактаб барча болаларга тилнинг икки қисмини, оғзаки ва ёзма нутқни ифодалашга ва қабул қилишга сафарбар қилишга имкон беради. Ўқиш ва ёзишни 2-босқичда кўзда тутилади.

ЖИСМОНИЙ ФАОЛИЯТ ОРҚАЛИ ҲАРАКАТ ҚИЛИШ, ИФОДАЛАШ ВА ТУШУНИШ

Амалиёт ҳаракатлантирувчи, ҳиссий, интеллектуал ва ўзаро боғлиқлик ривожланишига ҳисса қўшади.

Мактабга келган болалар ривожланишнинг айна босқичида бўлмайдилар: майдон, вақт ва объектлар бўйлаб ҳаракатланиш, мувозанат ва ҳаракатларини турли муҳит ва чекловларга мослаштириш, бошқалар билан таъсирчан ёки бадиий ҳаракатлар орқали мулоқот қилиш, ҳамкорлик қилиш, қаршилик кўрсатиш.

БАДИЙ ФАОЛИЯТ ОРҚАЛИ ҲАРАКАТ ҚИЛИШ, ИФОДАЛАШ ВА ТУШУНИШ

Визуал, товуш ва жонли ижро санъати: амалиёт ва учрашувлар учун таъмни ривожлантириш, турли хил ифода шакллари, ҳис-туйғуларни ҳис қилиш, танловни шакллантириш ва уни ифодалаш; ўйлаш, асарларни, санъаткорларни боғлаш, илк нозик маданиятни яратиш.

ФИКРНИ ТУЗИШ УЧУН ДАСТЛАБКИ ВОСИТАЛАРНИ ЯРАТИШ

Рақамларни ва улардан фойдаланишни кашф қилиш: миқдорни ифода лаш учун сонлар яшаш, 10гача кичик сонларни маълумотини барқарорл аштириш. Барқарорлаштириш – бу бериш, кўрсатиш, баҳолаш, қўшиш в а ажратиш қобилиятидир, 3 бу 2 ва яна 1 демакдир. Қаторни, жойлашу вни белгилаш учун сондан фойдаланиш.

Сон қаторни ёдда сақлаб қолиш имкониятини беради.
Ўқувчилар сонларни ёзиш, ажратишни ўрганадилар...
Шаклларни ўрганадилар

ДУНЁНИ ЎРГАНИШ

Макон ва вақтга тайёрланиш: хронологик тажриба ўтказиш,
вақт тушунчаси ҳақидаги маълумотларни ошириш, маконни
ифодалаш

Ҳаёт, модда, объектларни кашф қилиш

МТМ ўқувчиси тўғрисида хулоса

Болага мактабда қанча вақт лозим :

3 йил, бошланғич бўлимга 2 ёшда келган бўлса 4 йил.

Илк муваффақиятларини, зафарларини баҳолаш керак, бу эса муваффақият китоби тимсоли.

Мактабда қайтадан ўқиш қонунга зид. Фақатгина боланинг ногиронлик ҳолатидан ташқари боланинг ўзлаштирмаслиги ҳақида гапириб бўлмайди.

Бола ўйнашга, тажрибаларини куришга эҳтиёж сезади. Оналик мактаби бошланғич мактаб эмас. Бу мактаб болаларни тайёрлайди, лекин асосий таълим ўрнини босмайди.

БОШЛАНҒИЧ МАКТАБ (1/2)

2-босқичда (CP, CE1, CE2) француз тили ва математика таълимоти асосий ўринни эгаллайди.

Ушбу асосий предметлардан ташқари CP да чет тиллари билан танишиш ва CE1 dan уларни ўрганиш, дунёни кашф қилиш амалиёти, бадиий (тасвирий санъат ва мусиқа) амалиётлар ҳамда санъат тарихи, жисмоний тарбия ўқитилади.

БОШЛАНҒИЧ МАКТАБ (2/2)

3-босқичда (CE2, CM1 ва CM2) «2-босқич» таълимоти давом эттирилади. Тарих ва география, экспериментал фанлар ва технология каби янги фанлар асосий фанлар қаторидан жой олади.

КОЛЛЕЖ

Коллеж – бошланғич мактабдан чиққан 11 ёшли барча ўқувчиларни имтиҳонсиз қабул қиладиган ўрта таълим муассасасидир. Бирламчи мақсади – барчанинг умумий билим, кўникма ва маданият пойдеворини эгаллашга имкон беришдир (8 июль 2013 йил Республика мактабининг қайта тикланиши учун йўналиш ва дастурий қонун). Бундан ташқари бу мактаб ўқувчиларни умумий, технологик ёки касбий йўналишдаги ўқишларини давом эттиришга тайёрлайди.

КОЛЛЕЖДА ТАЪЛИМ

Коллеждаги таълим фанлар бўйича бўлинган (бир фан ўқитувчилари томонидан ўқитилади): Француз тили, математика, тарих-география-фуқаролик таълими, ҳаёт ва ер фани, технология, тасвирий санъат, мусиқа, жисмоний тарбия, физика-химия, 2 чет тиллари ҳамда трансдисциплинар санъат тарихи фанлари.

Мақсадлар давлат дастурлари томонидан белгиланади.

КОЛЛЕЖ ТАШКИЛОТИ

Коллежнинг мажбурий 4 йиллик таълимоти (6-,5-,4-,3-синфлар) 3 циклда ташкил этилган.

6-синф : мослашув цикли – мақсади бошланғич мактаб ютуқларини мустаҳкамлаш ва ўқувчиларни коллежнинг иш услубига жорий этишдан иборат.

5-4-синфлар: ўрта цикл – Мақсади ўқувчиларга билим ва кўникмаларини чуқурлаштириш имконини яратиш. 5-синфда физика-химия фани бошланади. Ўқувчилар 5-синфда иккинчи чет тилини танлайдилар.

3-синф : йўналтириш цикли – У коллежда олинган билимларни тўлдиради ва умумий, технологик ва касбий таълимга тайёрлайди

5-, 4-, 3-синфлар таълимнинг 4-босқичини ташкил этади.

3-синф охирида ўқувчилар коллежда олинган билим ва кўникмаларини баҳолайдиган ва умумий билим, кўникма ва маданият асослари ўзлаштириш маълумотини берадиган (DNB) давлат дипломига эга бўлишади.

ЛИЦЕЙ

Ўқувчилар коллежнинг 3-синфини битириб, лицейга киришади ва 3 йўналишдан бирини танлайдилар.

■ УМУМИЙ ВА ТЕХНОЛОГИК ЙЎНАЛИШЛАРИ

Бу йўналишга кириш учун ўқувчилар лицейнинг умумий ва технологик 2-синфларига кирадилар. Ушбу синфни тугатиб улар ва 1- ва Охири синфлардан ташкил топган “Охири цикл”га кирадилар.

■ КАСБИЙ ЙЎНАЛИШ

Касбий йўналиш касбий билимлардан ташқари алоҳида соҳа билим ва кўникмаларини беради. У ҳам 3 йиллик таълимни ўз ичига олади (2-, 1-, Охири синфлар).



aefe

Agence pour
l'enseignement français
à l'étranger

ТАЪЛИМ ТИЗИМИ АКТЁРЛАРИ

4) ТАЪЛИМ ТИЗИМИ АКТЁРЛАРИ

Мактаб, коллеж ва лицейда:

- Ўқувчилар
- Ўқитувчилар, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳаракат ходимлари
- Кузатув ходимлари (мактаб раҳбарлари)
- Инспекция ходимлари (IEN, IA-IPR)
- Асосий ўқув маслаҳатчилари (CPE)
- Документалистлар
- МТМ учун махсус ҳудудий агентлар
- Маърузачи-меҳмонлар (спорт, санъат)
- Ногирон ўқувчи ёрдамчилари
- Ўқувчи ота-оналари

ЎҚИТУВЧИЛАР

Францияда ўқитувчилар танлов асосида ишга қабул қилиниб, давлат хизматчисига айланадилар. Хусусий мактаб ва таълим муассасалари ўқитувчилари ҳам давлат билан ўзаро шартнома асосида танлов орқали ишга олинадилар. Улар давлат қонунчилигининг шартнома ходимлари мақомига эгадирлар.

2011 ўқув йилидан бошлаб, конкурсга ёзилиш учун номзодлар ўқитувчилар малакасини оширишга қаратилган Мастер2 дипломига эга бўлишлари лозим.

Танловга тайёргарлик пайтида, университетда, талабалар синф, кузатув ва амалий стажировкаларда ҳамда масъулият стажировкаларини ўташлари мумкин. Кейин, лауреатлар-ғолиблар стажёр-ўқитувчи бўладилар: улар бир ўқув йили давомида таълим муассасасида фаолият олиб борадилар ва йил охирида текширув органлари томонидан ўтказиладиган баҳолаш натижаларига кўра ўқитувчи бўладилар.

ЎҚУВЧИЛАР ОТА-ОНАЛАРИ

Таълим соҳаси тўлиқ аъзолари бўлган ота-оналар белгиланган тартибдаги ҳуқуқларидан фойдаланадилар:

- Йил бошидаги маълумот йиғилиши ва ўқитувчи(лар) билан учрашув
- Боласининг натижалари тўғрисидаги мунтазам маълумот (табель, бюллетень)
- Боласининг хулқ-атвори тўғрисидаги мунтазам маълумот
- Ота-она/мактаб диалогини ташкил этиш шартлари кўриб чиқиш ҳамма мактабларда тўхтатилган
- (Мактаб, синф) кенгашларидаги сайланган ота-оналар (ота-оналар орасидаги мулоқотни осонланитирган ҳолда) томонидан ваколат



aefe

Agence pour
l'enseignement français
à l'étranger

ТАЪЛИМОТ КЎРСАТКИЧЛАРИ

aefe

Agence pour
l'enseignement français
à l'étranger

5) ТАЪЛИМОТ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Билим, кўникма ва маданиятнинг умумий пойдевори

Дастурлар

Билим, кўникма ва маданиятнинг УМУМИЙ ПОЙДЕВОРИ

« Ноль эътибордан четда қолиши керак эмас » деб қонунда белгиланган
Таълим устунлари атрофида ташкил этилган :

- Фикрлаш ва мулоқот қилиш учун тил ;
- Ўрганиш усуллари ва воситалари ;
- Шахс ва фуқарони шакллантириш ;
- Табiiй тизимлар ва техник тизимлар ;
- Дунё ваколатхоналари ва фаолияти.

У СЕ2 якунида, 6-синф якунида, 3-синф якунида тасдиқланган ўзлаштириш
даражасини белгилайди)

Бу билим, қобилият, қарашларни ифодалайди.

Билим, кўникма ва маданиятнинг УМУМИЙ ПОЙДЕВОРИ

Мактабда, ҳаётда ва жамиятда муваффақиятга эришиш учун зарур бўлган барча билим, кўникма, қадриятлар ва муносабатларни ўз ичига олади. СР дан коллежнинг 3-синфигача ўқувчилар аста-секинлик билан умумий пойдеворни эгаллаш учун билим ва кўникмаларни эгаллайдилар.

У 2-босқич якуни (CE2), 3-босқич якуни (6-синф) ва 4-босқич якуни (3-синф) да Ягона Мактаб Китоби деб аталадиган восита ёрдамида баҳоланади ва тасдиқланади.

ДАСТУРЛАР

Улар таълим мазмунини, ўзлаштириш керак бўлган қобилият бўйича якуний давр талабларини, таълим олишнинг прогрессивлик мезонларини, мумкин бўлган фанлараро кесишмаларни белгилайди.

2015 йил ДАСТУРЛАРИ

Босқичлар бўйича тақдимот :

1-босқич : PS, MS, GS. Мажбурий таълимдан олдин

2 -босқич, асосий таълим босқичи : CP, CE1, ва CE2

3 -босқич, мустақамлаш босқичи : CM1, CM2 ва 6-синф

4 -босқич, чуқурлаштириш босқичи : 5-, 4- ва 3-синфлар

Мажбурий таълим учун муассаса жадваллари

Таълим соҳалари

Нуфуз: француз тилини мукамал билиш

Босқич якуний кўникмаларни ўзлаштириш

МАКТАБ/МУАССАСА ЛОЙИҲАСИ

Мажбурий бўлган бу лойиҳа 2013 йил 8 июнда қабул қилинган Республика мактабини қайта тиклаш учун йўналиш ва дастурий қонунининг энг катта мақсадларига эришиш учун имтиёзли воситадир. Бу таълимни ўқувчилар эҳтиёжларига мослаштиришга имкон беради ва тенг имкониятлар яратади.

Белгиланган мактаб учун авваламбор лойиҳа барча ўқувчилар муваффақиятини яхшилашга қаратилган йўналишларни (кузатиш, мақсад, восита, баҳолаш) шакллантиришга мос келади.



aefe

Agence pour
l'enseignement français
à l'étranger

ПЕДАГОГИК ТАМОЙИЛЛАР

6) ПЕДАГОГИК ТАМОЙИЛЛАР

- Ўқувчиларда шахс уйғонишини енгиллаштириш
- Ҳиссий, ҳаракатлантирув, илмий, ижтимоий ривожланишни рағбатлантириш
- Таълим ва жамият ҳаётига қаратилган ҳиссий эҳтиёжларни қондириш
- Ўқувчиларнинг талабларига мослаштирилган таълим ҳолатларини таклиф қилиш
- Аниқ педагогика асосида ўқитиш
- Баҳолашга эҳтиёткорлик билан ёндашиш

ПЕДАГОГИК ТАЪСИРЛАР

- ❖ Вазифаларни тушуниш ва уларни ҳал қилиш воситалари ва ёндашувларни таклиф қилиш орқали ўқувчи автономлигини тарғиб қилиш
- ❖ Иш тартибини хилма хиллаштириш (якка, жуфт, гуруҳ)
- ❖ Барча малака регистрларини қараш («ҳар томонлама ақл»)
- ❖ Эътибор, фикр, қатъият, ўрганишни кучайтириш
- ❖ Ҳар бир ўқувчининг муваффақиятли бўлиши учун ёрдамчиларни алмаштиринг
- ❖ Тушунишни ва транспозицияни осонлаштириш учун фикрлаш усулларини кўрсатиш
- ❖ Таълимни илмий ва ижтимоий жиҳатдан янада аниқроқ қилиш учун тушунтириш
- ❖ Рағбатлантиришни кучайтириш, муваффақиятни таъкидлаш, шахсий ғайрат.



aefe

Agence pour
l'enseignement français
à l'étranger

АСОСИЙ ЁРДАМ ҚУРИЛМАЛАРИ

7) АСОСИЙ ЁРДАМ ҚУРИЛМАЛАРИ

- ❖ « Синфларга қараганда кўпроқ ўқитувчилар » (синфда 2 ўқитувчи таълими)
- ❖ Қийин ўқувчиларга махсус ёрдамлар тармоғи
 - Мактаб психологи
 - Педагогик устувор ўқитувчи
 - қайта тарбия ўқитувчиси
- ❖ Махсус лойиҳалар
 - Шахсийлаштирилган таълим муваффақиятлар дастури (доимий қийин ўқувчилар)
 - Шахсийлаштирилган қўллайб-қувватлаш режаси (ўрганиш имконияти чекланган ўқувчилар учун: дислексия, диспраксия, дискалкулия...)
 - Шахсийлаштирилган қабул режаси (махсус тиббий протокол талаб этувчи сурункали касал ўқувчилар учун – масалан аллергия)
 - Шахсийлаштирилган мактаб таълим режаси (ногирон ўқувчилар учун).

ХУЛОСА

Мақтаб бу ижтимоий соҳа муассасасидир:

Дастурларнинг бир хиллиги

Ўқитиш усуллари эркинлиги

Умумий пойдеворнинг ўзлаштирилиш даражасига кириш
тенгҳуқуқлилиги

Давлат ушбу тамоиллар кафолати

Ҳар бир оила хусусий сектор учун масъулдир

Ягона мақсад:

Ҳар бир ёшнинг илмий ва ижтимоий муваффақияти.